

АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРӢ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдураимов Достонбек Эгамназар ўғли

Гулистон давлат университети, “Амалий математика ва ахборот технологиялари”

кафедраси катта ўқитувчиси

Сафоева Дииноза Камол қизи

Гулистон давлат университети, Ахборот технологиялари факультети, Амалий математика
йўналиши, 3-босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6819410>

Аннотация. Келтирилган ушибу мақолада ахборот коммуникацион технологияларини амалиётга жорӣ этишининг ўзига хос ўрни ва хусусиятлари ўқув жараёнида замонавий компьютер технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда ахборот технологиялари-таълим самарадорлигини ошириши омили сифатида ташкил этишининг асосий масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: компьютерлаштириши, ҳужжатлар, ресурслар, проектор, мултимедиа воситалари, сканер, рақамли фотоаппарат, видео камера, принтер, дастурӣ таъминот.

ОСОБАЯ РОЛЬ И ОСОБЕННОСТИ ВНЕДРЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Аннотация. В данной статье рассмотрены конкретная роль и особенности внедрения информационно-коммуникационных технологий в образовательный процесс, использование возможностей современных компьютерных технологий, основные вопросы организации информационных технологий как фактора повышения эффективности образования.

Ключевые слова: компьютеризация, документы, ресурсы, проектор, мультимедийные инструменты, сканер, цифровая камера, видеокамера, принтер, программное обеспечение.

SPECIFIC ROLE AND FEATURES OF INFORMATION COMMUNICATION TECHNOLOGIES IMPLEMENTATION

Abstract. In this article, the specific role and characteristics of the implementation of information communication technologies in the educational process, using the possibilities of modern computer technologies, the main issues of organizing information technologies as a factor of increasing the effectiveness of education are considered.

Key words: computerization, documents, resources, projector, multimedia tools, scanner, digital camera, video camera, printer, software.

КИРИШ

Бугунги ривожланиш жараёнида яшаётган асримиз глобаллашув ва ахборот асри деб юритилмоқда. Дарҳақиқат, ҳар томонлама ривожланаётган жамият тараққиётини бугун ахборот технологияларисиз, айниқса компьютерларсиз тасаввур этиш қийин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амонавий компьютерлардан самарали фойдаланишга доир бир нечута қонун ва қарорлар қабул қилинган. Жумладан, 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тӯғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни знада ривожлантириш ва

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш түўрисида»ги фармони мамлакатимизда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга қаратилган асосий давлат хужжатларидан ҳисобланади. Шу жиҳатдан таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш энг долзарб масалалардан бирига айланиб қолди. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган холда дарсларни ташкил этиш учун маълум бир шарт-шароитлар ва техник воситалар мавжуд бўлиши лозим. Буларга ахборот ресурслари ва маҳсус дастурий таъминотлар киради [1].

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА ҚЎЛЛАНИЛГАН МЕТОДЛАР

Ахборот ресурсларига: шахсий компьютерлар, проектор, мултимедиа воситалари, сканер, ракамли фотоаппарат, видео камера, принтер, нусха кўчирувчи қурилма ва бошқа ресурслар киради. Маҳсус дастурий таъм инотларга: таълим тизимида мултмедиали элекtron ўкув адабиётлар, маъruzalар, вертуал лаборатория ишлари, ҳар хил анимацион дастурлар ва яна бошқа ишларни яратишда керак бўладиган нарса маҳсус дастурлар ҳисобланади. Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишда ахборотларни жамлаш, сақлаш, узатиш ва шу жараёнларни амалга оширувчи барча техник воситаларни ишлатишни кўзда тутади. Компьютер экранидаги маълумотни визуаллаштириш усувларини ишлаб чиқишида психология ютуқларини ҳисобга олиш кераклиги бир қатор умумий тавсияларни шакллантиришга ёрдам беради:

- экрандаги маълумот тизимга келтирилган бўлиши керак;
- визуал маълумот даврий равишда товушли маълумотга алмасиб туриши керак;
- ранг ёрқинлиги ёки товуш баландлиги даврий равишда ўзгариб туриши керак;
- визуаллаштирилаётган материал мазмуни жуда ҳам содда ёки жуда ҳам мураккаб бўлмаслиги керак.

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Экрандаги кадр форматини ишлаб чиқишида ва яратишда кўриш майдонини ташкил этишини белгиловчি обьектлар орасида мақсад ва муносабат борлигини ҳисобга олиш тавсия этилади. Объектларни қўйидагича жойлаштириш тавсия қилинади:

- бир-бирига яқин, яъни кўриш майдонида обьектлар бир-бирига қанчалик яқин бўлса, улар шунчалик катта эҳтимол билан ягона, яхлит образни ташкил қиласди;
- жараёнлар ўхшашлиги, яъни образларнинг ўхшашлиги ва яхлитлиги қанчалик кўп бўлса, улар шунчалик катта эҳтимол билан уйғунлашади;
- давом этиши хусусиятларини ҳисобга олган холда, яъни кўриш майдонида тартибли кэтма-кэтликнинг давом этишига мос келадиган жойларда жойлашган елементлар қанчалик кўп бўлса, улар шунчалик катта эҳтимол билан яхлит ягона образга бирлашади;
- обьектлар шакли, ҳарф ва рақамлар ўлчами, рангларнинг тўклиги, матннинг жойлашиши ва бошқаларни танлашда предмет ва фонни белгилашнинг ўзига хослигини ҳисобга олган холда;
- визуал ахборотларни ортиқча дэталлар, ёрқин ва контраст ранглар билан безамаган холда;
- хотирада сақлаш учун мўлжалланган материалнинг рангини ўзгариши, тагига чизиш, шрифт ўлчамини ва стилини ўзгариши орқали ажратиш.

Мультимедиа иловаларини ишлаб чиқишида турли ранг ва фонда тасвирланган объектлар инсонлар томонидан турлича идрок қилинишини ҳисобга олиш керак. Визуал ахборотларни ташкил этишида предметларнинг фонга нисбатан контрасти мухим рол ўйнайди. Контрастнинг икки тури мавжуд: тўғри ва тескари. Тўғри контрастда предметлар ва унинг тасвирлари фонга нисбатан тўқроқ, тескари контрастда эса очроқ бўлади. Мультимедиа иловаларида одатда ҳар икки туридан фойдаланилади, турли кадрларда алоҳида ва битта кадр доирасида биргаликда. Кўп ҳолларда тескари контраст устунлик қилади. Мультимедиа иловаларининг тўғри контрастда ишлаши афзалроқ ҳисобланади. Бу ҳолда ёрқинликнинг кўпайиши кўринишнинг яхшиланишига, тескари ҳолатда эса ёмонлашишига олиб келади, лекин тескари контрастда намойиш этиладиган ҳарф ва белгилар, кичик ўлчамда бўлганда ҳам тўғри контрастга нисбатан аникроқ ва тезроқ ўқиласи. Тасвир қисмларининг нисбий ўлчамлари қанчалик катта ва унинг ёрқинлиги юқори бўлса, контраст шунчалик кичик бўлиши керак. Кўриш майдонида ёруғликнинг бир меъёрда тақсимланиши орқали экрандаги ахборотларни эркин қабул қилишга эришилади. Компьютер экранидан ахборотларни ўрганишни оптималлаштириш учун мультимедиа иловаларини ишлаб чиқарувчиларга мантиқий урғулардан фойдаланиш тавсия этилади. Таълим олувчининг диққатини маълум бир обьектга жалб қилишга йўналтирилган усувлар мантиқий урғулар дейилади [5]. Мантиқий урғуларнинг руҳий таъсири таълим олувчи томонидан бош обьектни топишга сарфланадиган вақтнинг камайиши ва диққатни шу обьектга жалб қилиш билан боғлиқ [6].

Компьютер воситалари ёрдамида мустақил таълимни ташкил этиш таълим жараёнида ахборот технологияларини амалиётга жорий этишининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Ахборот коммуникация технологияларини талим жараёнига қўллашда жумладан, мустақил таълимни ташкил этишида қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

- қўшимча электрон заҳираларни, маълумотлар ва кутубхоналарни яратиш, тармоқдан ахборотни излашни таъминловчи маҳсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш керак;
- ўқитувчиларнинг ўқув-услубий ишларини такомиллаштириш, интернетдан фойдаланиш, ахборот технологиялари ва психология соҳалари бўйича мутахассис билан ҳамкорликни ўрнатиш;
- фан-техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари бўйича маълумотлардан фойдаланиш;
- компьютер воситасида ўқитишида илғор педагоги технологиилар ва фаол мэтодларни қўллаш;
- баҳолашда талабаларни фаоллиги ва мустақил ишлаш қобилиятига алоҳида эътибор қаратиш.

Компьютер воситалари ёрдамида мустақил таълимни ташкил этишида масофавий таълим аълоҳида ўрин тутади. Компьютер воситалари ёрдамида мустақил таълимни ташкил этиш нуқтаи назаридан таҳлил этадиган бўлсак, аксарият унинг интерфаоллигини, бевосита мулоқот ёрдамида талаба ўқув режасида қўрсатилган исталган фан соҳасида маҳсус ўқув дастурлари ёрдамида билим олиш имконига ега еканлиги маълум бўлади. Компьютер воситаси талаба ёхуд ўқитувчи мурожаатларига «жавоб беради», улар билан bemalol «мулоқотга киришади», булар компьютер таълими методикасининг асосий хусусиятларидан бири саналади [7].

Ўйлаймизки, бугунги кунда масофавий таълим орқали таълим олувчи талабалар сони секинлик билан ошиб борилаётган бўлса-да, яқин йиллар ичидаги бу кўрсаткич юқори даражага қўтарилиди ва бу билан таълимнинг янги шакли қамрови кенгаяди, натижада таълим сифати замон талаби даражасида ўсади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда шуни айтиш жоизки, компьютер технологиясини қўллаб маълум мавзуни ўқитиш бўйича ёки алоҳида дидактик масалаларни ҳал этишда фойдаланиш, шунингдек, ўқитишда маълум технологиянинг асосий, аниқловчи ва энг муҳим тавсифловчиси сифатида компьютердан фойдаланиш ва бошқа технологиялар орасидаги муносабатлар масаласи жуда долзарб саналади.

REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.— Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишинланган тантанали маросимидағи маърузаси. 7 декабр 2016 й.
3. Таштемиров Д.Е., Абдураимов Д.Е., Джумабаева Я.Э. «СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ ТЕСТИРОВАНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ». Вестник Гулистанского государственного университета 2018.4 (2018): 39-46.
4. Қулмаматов, С. И., Абдураимов, Д. Э., Норматова, М. Н., & Монасипова, Р. Ф. (2021). УГРОЗЫ В ИНТЕРНЕТЕ И СПОСОБЫ ИХ УСТРАНЕНИЯ. Экономика и социум, (7), 351-356.
5. Нурқулов, Ж. А. Ў. (2022). МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПЕРЕДАЧИ ДАННЫХ ПО ПРОТОКОЛАМ В КОРПОРАТИВНОЙ СЕТИ. Science and innovation, 1(A3), 158-163.
6. М.Камолдинов, Б.Вахобжонов. Инновацион педагогик технология асослари.- Т: “Талқин”, 2010 й.
7. Ишмухамадов Р. Абдуқодиров А. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Тошкент 2008 - 181 бет.